




TASHKENT MEDICAL ACADEMY

100
TMA
ANNIVERSARY



Journal of Educational and Scientific Medicine



Issue 5 | 2025



OAK.UZ

Google Scholar

Science Education Commission of the Cabinet
Ministry of the Republic of Uzbekistan

ISSN: 2181-3175

Comparative analysis of morphometric parameters of the liver in pregnancy against the background of experimentally induced chronic kidney diseases.

Rakhmankulova N.G. <https://orcid.org/0009-0002-2941-6977>

nargiza.rakhmonkulova.1989@gmail.com

The Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sino is located in Bukhara, A. Navoi Street, Tel: +998(65) 223-00-50

e-mail: info@bsmi.uz

raxmonqulova.nargiza@bsmi.uz

Abstract.

The treatment of liver diseases that occur against the background of chronic kidney diseases during pregnancy, as well as the prevention of their consequences, remain an urgent medical and social problem worldwide. Despite the progress in the development of methods for the prevention, diagnosis and therapy of liver diseases, the mortality rate remains high. In our country, special emphasis is currently being placed on improving the social protection and healthcare system, as well as improving the quality of diagnosis, treatment and prevention of chronic liver diseases.

Key words: Renal failure, liver morphometric parameters, liver physiology.

Сравнительный анализ морфометрических параметров печени в условиях беременности на фоне экспериментально вызванных хронических заболеваний почек.

Рахмонкулова Н.Г. <https://orcid.org/0009-0002-2941-6977>

nargiza.rakhmonkulova.1989@gmail.com

**Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины
Узбекистан Бухара, ул. А.Навои, тел: +998(65) 223-00-50**

e-mail: info@bsmi.uz

raxmonqulova.nargiza@bsmi.uz

Резюме.

Лечение заболеваний печени, возникающих на фоне хронических патологий почек во время беременности, а также предотвращение их последствий остаются актуальной медицинской и социальной проблемой во всем мире. Несмотря на прогресс в разработке методов профилактики, диагностики и терапии печеночных заболеваний, уровень смертности продолжает оставаться высоким. В нашей стране в настоящее время особый акцент делается на улучшении системы социальной защиты и здравоохранения, а также на повышении качества диагностики, лечения и профилактики хронических заболеваний печени.

Ключевые слова: Почечная недостаточность, морфометрические параметры печени, функциональные особенности печени.

Экспериментал сурункали буйрак касалликлари фонида ҳомиладорликдаги жигарнинг морфометрик параметрларини қиёсий таҳлил қилиш.

Рахмонкулова Н.Г. <https://orcid.org/0009-0002-2941-6977>

nargiza.rakhmonkulova.1989@gmail.com

Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон

Бухоро, А. Навоий кўчаси, тел: +998(65) 223-00-50

e-mail: info@bsmi.uz

raxmonkulova.nargiza@bsmi.uz

Резюме.

Ҳомиладорлик даврида сурункали буйрак касалликлари фонида юзага келадиган жигар касалликларини даволаш, шунингдек уларнинг оқибатларини олдини олиш бутун дунё бўйлаб долзарб тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Жигар касалликларининг олдини олиш, диагностикаси ва даволаш усулларини ишлаб чиқишда еришилган ютуқларга қарамай, ўлим даражаси юқорилигича қолмоқда. Мамлакатимизда бугунги кунда ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, сурункали жигар касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида еътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: Буйрак етишмовчилиги, жигарнинг морфометрик параметрлари, жигарнинг функционал хусусиятлари.

Мавзунинг долзарблиги: Оқ зотсиз ҳомиладор каламушлар жигарининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг сурункали буйрак касалликларидан кейинги ўзгаришларини ўрганиш жараёнида қуюдаги қилинган ишлар диққатга сазовор. Зидовудин, ламивудин ва ритонавирнинг ҳомиладор каламушларга юқори дозаларда комбинацияси онанинг жигари ва буйракларида морфологик ва морфометрик ўзгаришларга олиб келинган. Бошқа томондан, ҳомила органларида ўзгаришлар бўлмагани тажрибада ўрганилган [1].

Ҳомиладорлик вақтида организмда рўй берадиган физиологик ўзгаришлар кўплаб тизимларга таъсир қилади, жумладан, жигар ва бўйраклар фаолиятига. Ҳомиладорликда бу органлар ўзининг норматив ҳолатига нисбатан сезиларли ўзгаришларга учрайди, бу эса биохимий ва морфологик кўрсаткичлар орқали намоён бўлади. Хусусан, жигарнинг морфометрик ўзгаришлари ҳомиладорлик даврида ўзига хос аломатлар кўрсатиши мумкин. Бирок, ҳомиладорлик вақтида жигар ва бўйраклар фаолиятига бўлган ўзгаришлар, турли хил касалликлар, хусусан, бўйрак касалликлари мавжуд бўлса, янада мураккаблашади [3; 5].

Хроник бўйрак касалликлари (ХБК) организмда кенг қамровли метаболик ва морфологик ўзгаришларга олиб келиши мумкин, шу жумладан, жигар структурасининг ўзгариши, бу ўзгаришлар ҳомиладорлик пайтида сезиларли даражада кучайади. Ушбу мақолада ҳомиладорликда бўйракларнинг хроник касалликлари билан боғлиқ морфометрик ўзгаришлар ва уларнинг жигарга таъсири ўрганилади. Бу маълумотлар ҳомиладорлик даврида бўйрак ва жигар фаолиятини яхшироқ тушунишга ва клиник амалиётда янги ташхис ва даволаш ёндашувларини ишлаб чиқишга ёрдам беради [4; 6]. Ҳомиладорликнинг бутун даври учун зидовудин, ламивудин ва ритонавир ассоциацияси билан даволанган ҳомиладор каламушларнинг жигари ва бўйраклари ва уларнинг ҳомидаларининг морфологик ва морфометрик таҳлили (Адриана Вагнер -2018) [7; 8].

Оқ рангли каламушларда ёғли махсулотларини кўп истеъмол қилиш билан бўйракдаги структуравий ўзгаришлар ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжудлиги ўрганилган, масалан, гломерулиялар сони зичлигининг пасайиши, деформациялар, бўйрак томирлари ва тубулаларнинг сезиларли кенгайиши, гломеруляр некроз ва атрофия, базал мембрананинг қалинлашишиви аниқланган.(Мухаммед Ейўп Алтункайнак-2020) [9; 10].

Эмбрион хужайраларини тўғридан-тўғри инъекция қилиш эпителия дифференциацияси ва тубулогенез учун зарур бўлган босқичларни, шу жумладан бирикма комплексини ривожлантириш ва базал мембранани йиғиш учун тезкор воситани тақдим этади. Бундан ташқари, эмбрион бўйрак васкуляризациясини ва эндотелиал хужайраларнинг фарқланувчи эмбрион хужайраларига таъсирини ўрганишга имкон берадиган пайвандлаш усуллари мавжуд. (Стеенхард, Брук М - 2021)[1; 2].

Тадқиқотнинг мақсади – ҳомиладорлик даврида бўйракларнинг хроник касалликлари ва жигар морфометрик ўзгаришларини ўрганиш ва уларнинг бири-бирига таъсирини таҳлил қилишдир.


Текшириш материаллари ва усуллари:

150 та оқ рангли 7 ойлик каламушларда экспериментал сурункали бўйрак етишмовчилигини келтириб чиқарганда бир ой ўтгач, каламушлар устида тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда экспериментал сурункали бўйрак етишмовчилигини келтириб

чиқарилгандан кейин,хомиладор бўлмаган оқ рангли каламушларнинг жигар хужайралари тузилиши гистологик текширилди.Тадқиқот БДТИ ва РИО ва БСИАТМ фишер студент усулида ўрганилди.


Текшириш натижалари:

Гистологик–оқ зотсиз хомиладор каламушларда жигарнинг физиологик ва экспериментал сурункали буйрак касалликларидан кейинги ўзгаришларни хужайравий тузилмасини ўрганилди .



1-расм. Сурункали бўйрак етишмовчилигида бўйрак тўқималарининг морфологик тузилиши (G, E) 10x10 тахминан:

- 1.Гломерула қисмида катталашган бўшлиқлар ва инфилтрация аниқланди.
2. Бауман капсуласи қалинлашган холда кўринади.
- 3.Толали тўқималарнинг қалинлашиши билан бирга, оралиқ толаларда интерстициал шиш мавжуд.
4. Дистал каналчалар қисмида хужайралар ситоплазмада оқсил дистрофияси, шу жумладан гидропик ва гиалин дегенерацияси кузатилади
- 5.Проксимал каналчалар қисмда некроз кузатилади. Тубул каналларнинг эпителий хужайралари



2- расм. Жигар тўқимасининг морфометрияси. Бўёқ (Гематоксилин-Эозин, Г-Е). Объектив 10x10.

1. Марказий вена деворининг деформацияси ва бўшлигининг ўлчамлари ўзгарган.
2. Гепатоцитлар ситоплазмасида майда хажмли вакуолалар аниқланди, Гепатоцитларнинг ядролари марказда жойлашган бўлиб, базафил бўялган.
3. Синусоид ва Диссе соҳасидаги бўшлиқнинг торайиши – бу жигардаги микроциркуляциянинг бузилишини кўрсатиши мумкин.
4. Купфер хужайралари ва икки ядроли гепатоцитларнинг кўпайиши – яллиғланиш ёки регенерация жараёнларининг белгиси бўлиши мумкин.

Хулоса: Жигар гепатоцитларининг морфологияси ва тузилишидаги ўзгаришларни ўрганиш, экспериментал сурункали буйрак етишмовчилигидан кейин жигар функциясига таъсир қилувчи мураккаб механизмларни очиб беради. Бу кашфиётлар овқат ҳазм қилиш тизими ҳақидаги назарий билимларни кенгайтиришга ҳисса қўшади. Тирик организмлар таркибининг тахминан 70% сувдан иборат бўлиши ва инсон танасида табиий равишда мавжуд бўлган 92 элементдан 81 таси учрашини ҳисобга олсак, сувнинг оптимал таркибини сақлаш жуда муҳимдир. Идеал ҳолда, бир литр ичимлик суви зарур бўлган из элементларнинг маълум миқдорларини ўз ичига олиши керак. Ушбу тадқиқот, экспериментал сурункали буйрак етишмовчилиги шароитида ҳомиладорлик даврида жигар тузилишидаги ўзгаришларни олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган. Бундан ташқари, у даволаш усуллариининг самарадорлигини ошириш, сурункали буйрак етишмовчилиги

билан боғлиқ жигар патологияларини эрта аниқлаш имкониятини яратиш ва Жузар сувининг терапевтик потенциалини баҳолашга интилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Rakhmonkulova Nargiza Gofurovna & Nematillaeva Mastura Nurullaevna & Tuksanova Dilbar Ismatovna & Kholova Nodira Fazliddinovna & Solieva Nozima Karimovna. (2024). Comparative characterization of liver morphometric parameters during pregnancy in experimental chronic renal failure. BIO Web of Conferences. 121. 04004.10.1051/bioconf/202412104004. <https://www.researchgate.net/publication/382478714>
2. Ахмедов Ф.К., Негматуллаева М.Н., Туксанова Д.И. Особенности функции почек у женщин с осложненной преэклампсией. Международный журнал текущих исследований и обзоров, 2021, 13(1), стр.70-744
3. Ашурова Н.Г., Бобокулова С.Б. Прогнозирование нарушений менструально-овариального цикла у девочек-подростков на основе изучения генетических маркеров. "Российский вестник акушера-гинеколога". 2024;24(5):12-18.
4. Зарипова Д.Я., Абдуллаева М.А., Султанова Н.А., Ахмедов Ф.К., Насиров З.С., Умаров Е.У., Шукруллаева Г.Ж. Оптимизация мер диагностики ранней менопаузы и преждевременной менопаузы. Журнал "Продуктивное здоровье Восточной Европы". 2024;14 (5). С.617-628.
5. Зарипова Д.Я. Диагностические критерии выявления остеопороза в перименопаузальном периоде. Продуктивное здоровье Восточной Европы. 2024;14 (5). С.590-598. <https://doi.org/10.34883/PI.2024.14.5.004>
6. Очилова Дилором Абдукаримовна, Комилова Бахмал Одиловна, Собиров Шохрух Хусенович, Рахмонкулова Наргиза Гафуровна. Особенности Проявления Артериальной Гипертензии У Пациентов С Дислипидемией.
7. Рахманкулова Наргиза Гафуровна. Особенности восстановления репродуктивной функции у кормящих матерей. 3-я Международная многопрофильная научная конференция "Гениальные глобальные идеи"
8. Очилова Д. А., Рахмонкулова Н. Г., Собиров Ш. Х. Особенности течения гипертонической болезни у лиц с дислипидемией. Американский журнал медицины и медицинских наук 2020, 10(2): 77-80
9. Рахманкулова Наргиза Гафуровна. Ультразвуковое исследование восстановления репродуктивной функции у женщин, перенесших кесарево сечение. Международный междисциплинарный научный журнал "GALAXY", 10 (1),
10. Лактационная аменорея как метод послеродовой контрацепции. К. Джаббарова, Н.Г.Рахманкулова. Биология и интегративная медицина, с. 54-62